

«Ўзкимёсаноат» АЖда экспорт кўрсаткичлари ўсиш суръатини сақлаб қолмоқда.

// 22 iyul 2026 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/sarhisob20260722>

2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти томонидан экспорт йўналишида барқарор натижаларга эришилди. Ҳисобот даврида жамият тизимида жами **329 миллион долларлик** кимёвий маҳсулотлар экспорт қилинди.



Экспорт таркибида юқори талабга эга минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар асосий ўринни эгаллади. Жумладан:

карбамид – **64,4 млн** доллар;

аммиакли селитра – **38,4 млн** доллар;

суперфосфат – **8,8 млн** доллар;

паст зичликдаги аммоний нитрат – **19,1 млн** доллар;

КМС ва ПАС – **3,8 млн** доллар;

бошқа кимёвий маҳсулотлар – **194,5 млн** доллар.

Айниқса, қўшилган қиймати юқори бўлган **бошқа кимёвий маҳсулотлар экспорти 194,5 млн долларни** ташкил этиб, умумий экспорт ҳажмининг катта қисмини таъминлади. Шунингдек, суперфосфат ҳамда КМС ва ПАС маҳсулотлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди.

Эришилган натижалар «Ўзкимёсаноат» АЖ тизимида маҳсулот турларини диверсификация қилиш, ташқи бозорларда рақобатбардошликни ошириш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасини кўрсатмоқда.